

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“ҚУРИЛИШ” ФАКУЛЪТЪТИ
“БИНО ВА ИНШООТЛАР” кафедраси



404– БвайҚ битирувчиси

Жамалов Жасурбек

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 160 ўринли мактаб интернати биносини

Кафедра мудири:

доц. Байзаков А. А.

Диплом раҳбар:

катта ўқ. Ш. Ганиев

САМАРҚАНД – 2016

МУНДАРИЖА

М У Н Д А Р И Ж А

- 1 Кириш.....**
- 2 Архитектура қисми.....**
- 3 Конструктив хисоб қисми.....**
- 4 Технология ва меҳнат муҳофазаси қисми..**
- 5 Қурилишни ташкил этиш қисми.....**
- 6 Хулоса.....**
- 7 Фойдаланилган адабиётлар.....**

К И Р И Ш

КИРИШ

Ўзбекистон индустриал мамлакатга айланмоқда. Шахар ва қишлоқларимиз гўзаллашмоқда, турар жой ва жамоат биноларининг кўрки очилмоқда. Айниқса, хорижий сармоялари иштирокида ишлаётган қўшма корхоналар жумласига "Самкочавто", "Самалётсозлик" ва "Нур вафо пластик" полителин қувурлар ишлаб чиқарувчи кўплаб мажмуалару завод ва фабрика бинолари, иншоотларига оид изланишлар, яъни саноат қурилишда бўлаётган ривожланиш зиммамизга янги-янги вазифаларни юкламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг келажакда ривожланишининг, тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиши замонавий фуқаро, саноат ва қишлоқ хўжалиги биноларини қўшилиши билан ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон келажаги буюк давлат уларни амалга оширишда Ўзбекистон олимлари, қурувчилари ва меъморлари олдида катта масулиятли вазифалар турибди. Буларга инсон эҳтиёжлари жавоб берадиган замонавий биноларни лойиҳа қилиш ва қуриш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси зилзилавий ҳудудга киради. Айнан Андижон 1902 йил, Тошкент (1866-1966 йиллар), Газли (1976 ва 1984 йиллар), Наманган 1995 йилда бўлиб ўтган зилзилаларда биноларнинг шикастланиш, қулаш, фалокат-фожияларга олиб келишини кўрсатади. Шу боисдан, бино ва иншоотларнинг сейсмик кучларга бўлган мустаҳкамликка жиддий этибор талаб этилади. Зилзила хавфли бўлган ҳудудлар ҳамдўстлик давлатларидаги ўн бештасида бўлиб, умумий майдон Европада жойлашган давлатларнинг майдонига тақрибан тенг. Сейсмикали 8 балл ва ундан ортиқ ҳудудда 11 тадан 9 та давлатнинг пойтахти ва 5 мингдан ортиқ шаҳар пунктларида жойлашган. Мустақиллик йилларида КМК 2.01.03.96 йил "Зилзилавий ҳудудларда қурилиш" мейёри ҳужжатнинг қабул қилиниши, бу меъёрий ҳужжатга 2006 йил 1 апрелда (2009 йилдан кучга кирган) №1 тузатишнинг киритилиши натижасида республикамізда 359 та аҳоли яшаш пунктидан 345 таси 7, 8, 9 ва 9 дан ортиқ балли бўлган сейсмик фаол ҳудудлар

жойлашганлиги архитектор ва мухандислар олдига янги вазифаларни кўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилда "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асоси тўғрисида", 29 апрел 2008 йилдаги "Лойиҳа тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" ги бу муҳим масаланинг долзарблигини янада оширмоқда.

Икки ва кўп қаватли биноларнинг эксплуатацияон сифатини оқилона ташкил этиш, корхона қувватини ошириш ва янги техника билан қайта қуроллаштириш билан бир қаторда келгусида реконструкциялаш ва модернизациялашга қулай шарт-шароит яратиш учун технологик жараёнига мос бўлган конструкцияларни амалга жорий этиш талабга мувофиқ.

Биз лойиҳалаётган Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 160 ўринли мактаб интернати биносини лойиҳалаш замонавий қурилишга эга бўлиб, ҚМҚ бўйича ҳамма талабларга жавоб беради. Бу бинони кўриб топширилганда Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 160 ўринли мактаб интернати биносини лойиҳалашда яъна битта замонавий бино қурилмоқда.

Дастлабки маълумотлар:

Навоий шаҳри иқлимий маълумотлар қуйида келтирилган:

Румблар бўйича қайталаниши 15-% ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртача тезликларининг минимал қиймати 4,4 м/сек.

Энг совуқ суткаларнинг ўртача температураси -24 градус.

Энг совуқ 5 кунликнинг ўртача температураси -23 градус.

Июль ойининг ўртача температураси +28 градус.

Ташқи ҳаво температураси суткалик ўзгаришларининг июль учун максимал амплитудаси 24,5 градус.

Навоий шаҳри учун шамол бош йўналишини қуйидаги маълумотлар белгилаб беради:

	Шм	Шм Шқ	Шқ	Ж Шқ	Ж	Ж Ғ	Ғ	Шм Ғ
Январь	3/1.3	3/1.2	35/2.5	32/2.7	2/2.2	6/4.2	12/2.9	7/2.0
Июль	12/2.1	15/2.8	38/2.7	22/2.4	0/*	1/1.4	4/2.0	8/2.0

Бино муҳимлик даражаси бўйича-II.

Ернинг музлаш чуқурлиги- 0,60 м.

Навоий шаҳри I зона 7 баллик сейсмик зонада жойлашганлиги учун, худуд сейсмик худудга киради.

Ер музлаш катлами; тупрок бир марта музлаш эҳтимали булган энг катта чуқурлик ҳар 10 йилда – 26 см, ҳар 50 йилда 33 см ни ташкил килади.

Ичимлик сувлари ва оқова сувларини келтириш ва чиқариб кетиш эса ҚМҚ 2.04.01-98 “Внутренний водопровод и канализация” Тошкент-1998 йил талабларидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Худди шундай бинони иситиш,шамоллатиш ва оқова сувларни чиқариб кетишни ташкил қилиш эса ҚМҚ 2.04.05-97 “Отопление,вентиляция и кондиционирование”,Тошкент-1997 год, талабларини инобатга олиб амалга оширилади.

Архитектура қисми

1-БЎЛИМ. АРХИТЕКТУРА ҚИСМ

1.1. Бош режа ва унинг техник кўрсаткичлари.

Қурилиш жойининг рельефи текис бўлиб, Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 160 ўринли мактаб интернати биносини лойиҳалашда.

Дастлаб бинонинг бош режасини ишлаб чиқамиз. Бош режани ишлаб чиқиш ва бинони қурилиш жойига тўғри жойлаштириш учун биринчи навбатда шамол йўналиши ишлаб чиқилади. Шамол йўналиши “ҚМҚ 2.01.01-94 – лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий – геологик маълумотлар”га асосан, яъни 6-жадвалдан қурилиш жойи учун шамол эсишини ва шамол тезлигини ёзиб олиб, уларни қуйидаги жадвалга киритамиз:

	Шм	Шм Шқ	Шқ	Ж Шқ	Ж	Ж Ғ	Ғ	Шм Ғ
Январь	4/1.3	3/1.3	35/2.5	32/2.7	3/2.2	6/4.5	12/2.9	7/2.1
Июль	12/2.2	18/2.8	38/2.8	52/2.4	0/0	1/1.4	4/2.0	8/2.0

Олдиндан экиб ўстирилган кўп йиллик манзарали ва мевали дарахтлар сақлаб қолиниши зарур. Чунки дарахтларни вояга етказиш учун кўп йиллик меҳнат, маблағ ва вақт талаб қилади.

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 160 ўринли мактаб интернати биносини лойиҳалашда учун ситуацияли бош режа ишлаб чиқилди.

Функционал боғлиқликлардан келиб чиқан ҳолда майдонни зоналарга ажратиш;

Қурилиш ҳудудини муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш;
Одамлар яъни оқимни тўғри ташкил этиш борасида йўл, йўлак, ва ўтиш жойларини ташкил этиш.

Ягона шаҳар қурилиши таркибига хос хусусиятларни яратиш;

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини замонавий кўринишларда яратиш ишларини йўлга қуйиш.

Юкоридагилардан келиб чикиб тамирланаётган бино бош режасини тузишга асосий этибор қаратилади.

Юкоридаги жадвал малумотлари шундан далил берадиким, кўкаламзорлаштириш ишлари дид билан амалга оширилмаса, шаҳар худудида жойлашган жамоот бинолар тикис жойлашган яъни майдон унчалик кенг эмас.

Маҳаллий манзарали ва мевали дарахтлар билан бир каторда яшил майсалар ва гуллар экилган. Бугунги кун талаби шундан иборатки, аҳоли дам олиши ва ҳордиқ чиқаришида бу аскаатади.


1.2. Бинода кечадиган функционал жараён

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 160 ўринли мактаб интернати биносини лойиҳалашда, лойиҳалар асосида қуриладиган замонавий жамоат бинолар асосий ва ёрдамчи жараёнлар бўлиб, бу жараён бинони лойиҳалашнинг асосини ташкил этади. Мактаб биноси асосан доимий мулоқатли ваи билим олиш чиқаришга мўлжалланади. Шунинг учун ҳам мактаб биносида синфлар, йиғилиш хоналар дарс турига қараб хоналар турига бўлинади мактабни асосий хоналари ўқув синфлари, ошхона, санузел ва йўлаклар лойиҳаланади. Беситка ҳам сояли айвонлвр жойлаштиради.

1.3. Бинонинг ҳажмий -режавий ечими.

Битирув ишимда тўрт бурчак шаклда оддий геометрик шакилли бино бинода асосан ўқув жараёни учун мўлжалланган бўлиб бу мактаб бинода 16 та асосий ва ёрдамчи хоналар мавжуд.

Исталган бинонинг ҳажмий – режавий ечими заминида функционал жараён ётади. Шуни эсда тутмоқ лозимки, ҳар бир бинода ёки хонада асосий ва ёрдамчи функционал жараёнлар ажратилади. Хоналарда кечадиган жараён характерига ва уларнинг ишлатиш соҳасига қараб биноларда хоналар.



Бино тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб унинг узинлиги $L=15.0$ м, эни $B=46.6500$ м қават баландлиги полидан томгача 3.0 м ни ташкил қилади. Цоколь қисми эса $h_{\text{ц}}=0.60$ м ни ташкил этади. Бинонинг умумий баландлиги 6.2 м.

Мактаб биносида ҳам хоналарни вазифаларига қараб асосий, ёрдамчи ва коммуникация хоналарига бўлинган.

Асосий хоналарга бинонинг функционал вазифасига мос равишда кишилар томонидан бажариладиган фаолиятга мўлжалланган хоналар киради, яъни яшаш хоналари.

Бироқ, бинодаги асосий жараёни амалга ошириш учун асосий синф хоналардан фойдалинида ташқари бошқа хоналар ҳам керак бўлади. Шулардан бири ёрдамчи хоналардир. Улар бинода амалга ошириладиган жараёнларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур, лекин бинонинг вазифасини белгиламайдилар, бунга лаборатория хоналари усто хоналар дарсни утишда ёрдамчи хоналар мавжуд синфлар учун синфлар шу билан бирга ҳожатхона кабилар мисол бўлади.


Хоналарни бир-биридан ажратилган, план ечим бир хил ёки бир бирига ўхшаш бўлмаларда (отсек) жойлаштириш планировканинг бу система мен лойиҳалаётган бинода қўлланилган.

1.4. Бинонинг конструктив ечими.

Бинонинг асосий конструктив қисмларига пойдеворлар, ташқи ва ички деворлар, ораёпмалар, калонналар, дераза, эшиклар, фонарлар киради.

Хар қандай бинони лойиха қилишдан аввал шу жойнинг геологик маълумотларига таянган ҳолда унинг асоси ўрганилади. Бинодан тушаётган барча юкларни пойдевор орқали ўзига қабул қилувчи қисмга асос дейилади. Асослар табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Мени лойиҳада лентасимон монолит бетондан қилинган -0.6 м чуқурликда ўрнатилган полга нисбатан.




Табиий асос грунטי етарли даражада мустаҳкам, бир текис ва сал – пал сиқилувчан, кўзгалмас бўлиши, музламайдиган, кўпчимайдиган бўлиши керак. грунтнинг мустаҳкамлиги қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК) да кўрсатилган катталиклардан ошиб кетмайдиган нагрузка билан аниқланади. Грунтлар тошли, йирик бўлакли, қумли ва гилли хилларга бўлинади.

Сунъий асос ҳосил қилиш учун грунт турли усуллар билан мустаҳкамланади, яъни бўшроқ грунт ўрнига мустаҳкамроқ грунт ётқизилади, катонлар, виброплиталар ёки трамбовкаловчи плиталар ёрдамида грунт юзаси зичланади, қумли грунтлар устун қозиклар билан чуқур чилиб зичланади, бўш грунтлар уларга қўшимчалар қўйиш йўли билан мустаҳкамланади. Бизни бинода трамбовка ёрдамида тупроқ зичланади.

Пойдевор бинодан тушадиган юкларни ўзига қабул қилиб, уни асосга узатадиган конструкция ҳисобланади. Пойдеворлар лентасимон (тасмасимон), қозикли, яхлит ёки яхлит ва устун қозикли бўлиши мумкин. Одатда, лентасимон (тасмасимон) пойдеворларнинг кўндаланг кесими тўғри

бурчакли, товони поғонасимон шаклда кенгайган бўлади, ёки темир – бетон товонга таянадиган юқори қисми тўғри тўртбурчак бўлади. Лентасимон (тасмасимон) пойдеворлар йиғма темир – бетон блоклар монолит бетондан харсангтош ёки ғиштдан терилади.



Бинонинг конструктив ечими лойҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш билан белгиланади.

Горизонтал юкларни вертикал конструкцияларга узатишни турли усуллар билан амалга ошириш мумкин (барча вертикал конструкцияларга ёки махсус вертикал диафрагмаларга, боғловчи элементларга, ёки ҳар иккаласига ҳам).

Вертикал юк кутарувчи конструкциялар турли хил. Бу конструкцияларнинг тури конструктив системаларни турларга бўлиш учун белги бўлиб хизмат қилади. Мени лойиҳада вертикал юк кўтарувчи конструкцияларни ясси конструкциялар (деворлар)дир. Шу вертикал юк кўтарувчи конструкцияларнинг турларига мосравишда асосий конструктив системани каркассиз (деворли) системани танладим.

Шундай қилиб танланган деворли система турар-жой биноларида энг кўп тарқалган системадир.

Биноларни деворли каркассиз системада лойиҳалашда асосан бўйлама деворлар юк кўтарадиган конструктив схема қўлланилди.

Пойдевор-монолит бетондан, маркаси М-100.

Девор пишиқ ғиштдан, 380 мм қалинликди. Терим категорияси-1.

Томёпмалар кўп кавакли темир бетон плита.

Дераза ва эшиклар-АКФА замонавий материал ва конструкциялардан.

Пол- паркет ва тахтадан, ҳамда ламинат поллар.

Том- проф настил туника.

Ички ва ташқи пардоз- сув бўёк ва мой бўёқли.

Деворлар

Бинонинг деворлари оддий пишиқ ғиштдан иборатдир. Деворлар ташқи ва ички бўлади. Мустаҳкам мустақил деворлар пойдеворлар устига қуриладиган ёпма тушадиган юкларни қабул қиладиган деворлар эса юк кўтарувчи деворлар дейилади.

Бино деворини асосий қалинлиги 1.5 ғишт бўлиб 380 мм ни ташқил этади

Бино ташқи девори асосий ва энг мураккаб конструкциялардан бири ҳисобланади. Улар кўпгина ва турли – туман куч асосида бўлмаган таъсирларга учрайдилар.

Бундай қараладиган бўлса, деворлар қабул қилади:

- ўз массасини;
- том ва қаватларга қурилмалардан вақтинчалик ва доимий юкларни;
- шамол таъсирини;
- замин нотекис деформациясини.
- сейсмик кучларни ва ҳ.к.

Ташқи томондан деворларга таъсир қилади:

- қуёш радиацияси;
- атмосфера чўкиндилари;
- ташқи ҳаво ўзгарувчан ҳаракати ва намлиги;
- ташқи ҳаво.

Ички томондан ҳам деворларга таъсир бўлади:

- иссиқ оқим таъсири;

-сув буғи оқими;

-шовқин.

Мени битирув ишимда девор ғиштан бўлиб уни эни 380 мм, парда деворлар эса 120 мм дир.

Ташқи девор функциясини олиб қарайдиган бўлсак, у ташқи тўсик конструкцияси ва фасад композицион элементи ҳисобланиб, кўпгина ҳолатларда юк кўтарувчи конструкция вазифасини ўтайди.

Шунинг учун ҳам улар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- мустаҳкамлик;
- узоқ муддатга хизмат қилиш;
- ўтга чидамлилик;
- маълум ноёблик муқумлилик синфини тўғри қилиш;
- бинони ташқи ноқулай таъсирлардан ҳимоя қилиш;
- хоналарда зарурий ҳарорат, намлик режимини таъминлаш;
- декоратив сифат бermoқ.


Ўз – ўзини кўтарувчи деворлар фақатгина ўз оғирлигидан тушувчи вертикал массани қабул қилади ва уни цоколь панели, ронтбалка раcтверк ёки бошқа конструкциялар орқали пойдеворга узатади.


Поллар

Ҳамма полларнинг конструкцияси 2 та ҳолатда бўлиши мумкин:

Мени бир қаватли бино шунинг учун грунт устидаги пол қулланилади.

Поллар материалига қараб: тахта, донали, паркет, мозаика паркет, ленолеум ва керамик полларга бўлинади. Мен лойихалаётган бинода пол материали сифатида тахта полдан фойдаланамиз.






Том

Том – бинонинг мураккаб конструктив қисм ҳисобланади. Том чордоқ ораёпма устига бевосита қурилиши ёки маълум бир фазовий чордоқ ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бевосита чордоқ устига қурилган ораёпма томни **қўшиб қурилган ёки бирлаштириш ёки чордоқсиз том** деб юритилади. Чордоқ ҳосил қилиб қурилган томни чордоқли том деб юритилади. Бизнинг лойиҳада чордоқли ёғоч фермали том конструкцияси қўлланилган.

Томлар – мураккаб комплекс, ташқи таъсирлар остида ишлайди. Бундай таъсирлар: томнинг хусусий оғирлиги, қор оғирлиги, вақтинчалик оғирлик, ва х.к.



Дераза ва эшиклар

Хона ичига табиий ёруғлик деворидан вертикал ёки томлардаги горизонтал жойлашган очик деразалар орқали тушади. Хонанинг ёритилганлик даражаси қурилиш нормаси ва қоидалари асосида аниқланади.

Амалиётда турар – жой бинолари учун дераза юзаси хона поли майдонининг 1/8 дан 1/5 бўлагига тенг бўлиши мумкин.


Ўзбекистон шароитида деразалар бир ёки икки қаватлик баландликдан 1100 мм ва 1300 мм дан кичик қилиб олинади. Эшик бино ичига кириши ва бир – бирига ўтиладиган изоляция қилиш учун қўлланилади. Табакалар сонига қараб 1табатли эшикларнинг кенглиги 700 – 900 дан 1100 мм гача, 2 табақали эшикларни эса 1200, 1400, 1800 мм гача бўлади. Турар – жой биноларининг эшикларини баландлиги 1900 – 2200 мм гача бўлади.

Дераза ўлчамлари кўйилиш жойига қараб қуйидагича бўлади:

-баландлиги: 260, 850, 1160, 1460, 1760 мм

-эни: 1170, 1270, 1320, 1420, 1770 мм.

Мен лойихалаётган бинонода республикамизда ишлаб чиқарилаётган сифатли мустаҳкам ёғоч эшик – деразалардан фойдаланамиз.



Лой. ўрни.	Белгиланиши	Номинини	Сони дон	Өлч. кг	Изоҳ
Эшик блок, фрамуги					
Э-1	Индивидуальний	ДН 21-12	2		
	Индивидуальний	ФН 6-12	2		
Э-2	Индивидуальний	ДН 21-9	2		*)
	Индивидуальний	ФН 6-9	2		
Э-3	Индивидуальний	ДН 21-9л	2		*)
Э-4	Индивидуальний	ДО 21-12	2		
Э-5	Индивидуальний	ДГ 21-9	4		
Э-6	Индивидуальний	ДО 21-9	2		
Э-7	Индивидуальний	ДГ 21-7	2		
Э-8	Индивидуальний	ДГ 21-7л	2		
Э-9	Индивидуальний	ДНГ 21-9л	2		
	Индивидуальний	ФН 4,5-9	2		

Ички ва ташки пардоз ишлари

Ички хоналарни- гиштни устидан қумшувок қилиниб асосий хоналарни қисмига плитка териблиб пастги қисмига краска суртилиб ,тепа қисмига сув шпакловка қилиниб устидан сув имулсияси қилинди , ошхонани ўрта имулсиясидан қилинди поли паркет қилинди . Ваннахона билан тувалет деволи ва поли керамик плитка терилди ,омборхонага эса қумшувокни устидан охак қилинди ,шифтларни хаммасига сув имулсияси билан қилинди.

Поллар ёғочдан тахтапол қилинди,зинапоаялар ҳам ёғочдан қилиниб уларга краска суртилди.Омборхонани полига бетон коришма билан текисланиб устидан ленолиум тўшалди. Дераза ва эшиклар мой-бўёк билан суркалди.

Ташки пардоз-гиштни устидан қумшувок қилиниб,уни устидан охак қилинди, сокл қисмига гранит терилди,отмоскага брусчатка терилди.Дераза ва эшиклар мой-бўёк билан бўялади.

1.5 ЛОЙИХАНИНГ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ КўРСАТГИЧЛАРИ

Лойиҳаланаётган 1 қаватли 2 авлод учун 6 хонали хонали турар-жой биноси учун қуйидаги ҳажмий-план кўрсаткичлари аниқланди:

P_u - бинодаги яшаш майдони (яшаш хоналари майдони йиғиндиси), m^2 .

P_{ep} -квартира ёрдамчи хоналари майдони (ошхона, даҳлиз, санитарияқисмлари, қурилма шкафлар) m^2 ;

$P_{ёз}$ - ёзги хоналар майдони (балконлар, лоджия, терасса), m^2 ;

$P_{ум}^κ$ - келтирилган умумий майдон.

$$P_{ум}^κ = P_u + P_{ep} + K P_{ёз}$$

Бу ерда $K=0,2$ - чиқарилган балконлар учун:

$K=0,35$ - ён экранли чиқарилган балконлар ва бинодан чиқарилган лоджиялар учун;

$K=0,5$ - бинога киритиб қурилган лоджиялар учун;

$P_{км}$ - қурилиш майдони бўлиб, у горизонтал кесимда цокол сатҳида чиқарилган қисмлар ҳисобга олингандан майдонлар йиғиндиси, m^2 ;

$P_{m\partial}$ - ташқи девор майдони, m^2 ;

$O_{\kappa\kappa}$ - бино ердан тепа қисмининг қурилиш хажми бўлиб, горизонтал кесим (девор ташқи сирти бўйлаб), юзасининг бино баландлиги (биринчи қават поли сиртидан том теплоизоляция қатламининг устигача булган масофа) кўпайтмасига тенг. Чердаксиз томларда баландлик сифатида полдан том сиртининг ўртасигача бўлган масофа олинади.

K_1 - бино яшаш майдонининг келтирилган умумий майдонига нисбати:

$$K_1 = \frac{P_u}{P_{\kappa\kappa}^{\kappa}} = \frac{72.6}{163.3} = 0,444$$

K_2 - бино ташқи девор майдонининг умумий майдонига нисбати:

$$K_2 = \frac{O_{\kappa\kappa}}{P_{\kappa\kappa}^{\kappa}} = \frac{849.16}{163.3} = 5.2$$

K_3 - бино ташқи девор майдонининг келтирилган умумий майдонига нисбати:

$$K_3 = \frac{P_{m\partial}}{P_{\kappa\kappa}^{\kappa}} = \frac{201}{163.3} = 1.23$$

1.6. Яхлит гиштдеворнинг теплофизик ҳисоби.

Теплофизик ҳисоб учун зарур бўлган маълумотларни (ҚМҚ 2.01.01-94) дан аниқлаймиз.

1. Навоий шаҳри намлик бўйича қуруқ зонада жойлашган.
2. Қўлланмадаги 6-иловадан Навоий шаҳрининг ташқи ҳавоси ҳисобий температураси t_t сифатида қуйидаги маълумотларни аниқлаймиз:

- Энг совуқ сутканинг таъминланганлиги 0,98 бўлганда ўртача температураси $t_t^1 = -18^\circ C$

-Энг совуқ сутканинг таъминланганлиги 0,92 бўлганда ўртача температураси $t_t^1 = -15^\circ C$

- Энг совуқ беш кунликнинг таъминланганлиги 0,98 бўлган ўртача температураси $t_t^5 = -14^\circ C$

-Энг совуқ уч кунликнинг таъминланганлиги 0,98 бўлган ўртача температураси $t_t^5 = -14,5^\circ C$

-Июль ойининг ўртача температураси $t_t = 25.9^\circ C$

3. Қўлланмадаги 6-иловадан Навоий шаҳри учун июль ойидаги ташқи ҳаво хароратининг суткалик ўзгаришларининг максимал амплитудасини аниқлаймиз.

$$A_{\text{th}}=25,2^{\circ}\text{C}$$

4. Конструкция девор бўлгани учун 6-иловадан ғарбга қараган вертикал сирт учун йиғинди максимал ва ўртача қуёш радиациясини аниқлаймиз.

$$J_{\text{макс}}=740 \text{ Вт/м}^2 \quad J_{\text{ўр}}=169 \text{ Вт/м}^2$$


5. Қўлланмадаги 6- иловадан Навоий шаҳри учун румблар бўйича қайталаниши 16% ва ундан ортиқ бўлган шамол ўртача тезликларининг июль ойи учун минимал қийматини аниқлаймиз. $V=2,4\text{ м/с}$.

6.Тўсиқ конструкцияни ҳисобланаётган намунавий лойиха асосида қурилган турар-жой биноси вазифасига мувофиқ равишда 1-иловадан лойихаланаётган хона учун ички ҳавонинг ҳисобий температураси ва нисбий намлигини аниқлаймиз. $t_{\text{и}}=18^{\circ}\text{C}$ $\varphi=55\%$

7. Аниқланган $t_{\text{и}}=18^{\circ}\text{C}$ ва $\varphi=55\%$ қийматларга асосланиб қўлланманинг 2-иловасидан хонанинг намлик режимини аниқлаймиз: **Қуруқ**

8. Хонанинг қуруқ намлик режими ва Навоий шаҳрининг қуруқ зонада жойлашганини ҳисобга олиб, қўлланманинг 3- иловасидан тўсиқ конструкциянинг эксплуатация қилиш шароитини аниқлаймиз: **А**

9. Ғишт девор ташқаридан ва ичкарисидан қалинлиги 15 мм цемент-қум қоришмаси билан сувалган, қоришманинг ҳажмий оғирлиги $\chi_0=1600\text{ кг/м}^3$.



Ғишт деворнинг конструктив ечими: 1 ва 3-сувоқ қатлам; 2- ғишт терма.

Деворнинг қалинлиги 1.5 ғишт (380мм)

-1 ва 3-ташқи ва ички текисловчи қатлам цемент-қум қоришмаси учун

- сувоққатлам учун $\lambda_1 = \lambda_3 = 0,70 \text{ Вт/(м}^\circ\text{С)}$;

- терилган ғишт учун $\lambda_2 = 0,70 \text{ Вт/(м}^\circ\text{С)}$;

Иссиқлик ўзлаштириш коэффициентини аниқлаймиз.

- сувоққатлам учун $S_1 = S_3 = 8,69 \text{ Вт/(м}^\circ\text{С)}$

- терилган ғишт учун $S_2 = 9,2 \text{ Вт/(м}^\circ\text{С)}$;

10. Хонанинг вазифаси ва конструкциянинг турига мувофиқ равишда қўлланманинг 7- иловасидан температуранинг норматив фарқини аниқлаймиз. $\Delta t_{\text{н}} = 6^\circ\text{С}$

11. Тўсиқ конструкция тури ва унинг сиртлари характериға боғлиқ ҳолда қўлланманинг 4- иловасидан ички сиртлар иссиқлик бериш коэффициентини ва 5- иловасидан ташқи сиртлар иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаймиз.

$$\alpha_{\text{и}} = 8,7 \text{ Вт/(м}^2\text{°С)}$$

$$\alpha_{\text{т}} = 23 \text{ Вт/(м}^2\text{°С)}$$

12. Конструкциянинг туриға боғлиқ ҳолда, қўлланманинг 8-иловасидан ташқи сиртнинг ташқи ҳавоға нисбатан ҳолатини ҳисобға олувчи коэффициентини аниқлаймиз. $n=1$

13. Қўлланманинг 10-иловасидан тўсиқ конструкция ташқи сирти материалнинг қуёш радиациясини ютиш коэффициенти p - ни аниқлаймиз. $p=0,7$

Қиш шароити учун тепло физик ҳисоблаш.

1. Ғишт девор жинсли конструкция ҳисобланганлиги учун тўпланган маълумотлардан фойдаланиб формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик ўтказишға умумий қаршилигини аниқлаймиз:

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_{\text{в}}} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{1}{\alpha_{\text{и}}} = \frac{1}{8,7} + \frac{0,015}{0,70} + \frac{0,38}{0,70} + \frac{0,015}{0,70} + \frac{1}{23} = 0,744 \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{С} / \text{Вт}$$

2. Формула асосида олинган қуйидаги формула ёрдамида конструкциянинг иссиқлик инерсиясини аниқлаймиз:

$$D = \frac{\delta_1}{\lambda_1} * S_1 + \frac{\delta_2}{\lambda_2} * S_2 + \frac{\delta_3}{\lambda_3} * S_3 = \frac{0,015}{0,70} * 8,69 + \frac{0,88}{0,70} * 9,2 + \frac{0,015}{0,70} * 8,69 = 5,352$$

3.Қуйидаги формула ёрдамида конструкция учун иссиқлик ўтказишга қаршилиқнинг талаб этилган қийматини аниқлаймиз:

$$R_o^{TP} = \frac{(t_B - t_H) \cdot n}{\Delta t^H \cdot \alpha_B} = \frac{(15 + 14,5) \cdot 1}{6 \cdot 8,7} = 0,565 \text{ } m^2 \cdot ^\circ C / BT$$

$$R_0 = 0,744 m^2 \cdot ^\circ C / BT > R_o^{TP} = 0,565 m^2 \cdot ^\circ C / BT$$

$R_0 \geq R_o^{TP}$ шарт бажарилди, 0.744 катта 0.565

Ёз шароити учун теплофизик ҳисоблаш

1. Конструкция қатламларининг иссиқлик инерцияларини аниқлаймиз:

-биринчи қатлам учун: $D_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} \cdot S_1 = \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69 = 0,186 ;$

-иккинчи қатлам учун: $D_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_2} \cdot S_2 = \frac{0,38}{0,7} \cdot 7,75 = 4,207 ;$

-учинчи қатлам учун: $D_3 = D_1 = 0,186 .$

D_1, D_2, D_3 ларнинг қийматларига мувофиқ равишда қатламлар ташқи сиртларининг иссиқлик ўзлаштирма коэфффициентларини аниқлаймиз:

-биринчи қатлам учун: $D_1 = 0,186 < 1$ шунинг учун Y_1 нинг қийматини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$Y_1 = \frac{R_1 \cdot S_1^2 + \alpha_B}{1 + R_1 \cdot \alpha_B} = \frac{\frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69^2 + 8,7}{1 + \frac{0,015}{0,7} \cdot 8,7} = 8,67 \text{ } BT / m^2 \cdot ^\circ C ;$$

-иккинчи қатлам учун: $D_2 = 4,99 > 1$ бўлгани учун ташқи сиртининг иссиқлик ўзлаштириш коэфффициенти Y_2 материалнинг иссиқлик

ўзлаштириш коэфффициенти S_2 га тенг, яъни $Y_2 = S_2 = 9,2 \text{ } BT / m^2 \cdot ^\circ C ;$

-учинчи қатлам учун: $D_3 = 0,186 < 1$ сиртнинг иссиқлик ўзлаштириш коэфффициентини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$Y_3 = \frac{R_3 \cdot S_3^2 + Y_2}{1 + R_3 \cdot Y_2} = \frac{\frac{0,015}{0,7} \cdot 8,69^2 + 7,75}{1 + \frac{0,015}{0,7} \cdot 7,75} = 8,03 \text{ } BT / m^2 \cdot ^\circ C ;$$

2. Қуйидаги формула ёрдамида ёз шароити учун ташқи сирт иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\alpha_H = 1,16 \cdot (5 + 10 \cdot \sqrt{\nu}) = 1,16(5 + 10\sqrt{1,9}) = 21,8 \text{ Вт/м}^2 \cdot ^\circ\text{C}.$$

3. Температура ўзгаришлари амплитудасининг конструкциядан ўтишдаги сўнишини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \nu &= 0,9e^{\frac{D}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(S_1 + \alpha_B) \cdot (S_2 + Y_1) \cdots (S_n + Y_{n-1})(\alpha_H + Y_n)}{(S_1 + Y_1)(S_2 + Y_2) \cdots (S_n + Y_n)\alpha_H} = \\ &= 0,9e^{\frac{5,362}{\sqrt{2}}} \cdot \frac{(8,69 + 8,7)(9,2 + 8,67)(8,69 + 9,2)(21,8 + 7,84)}{(8,69 + 8,67)(9,2 + 9,2)(8,69 + 7,84) \cdot 21,8} = \\ &= 0,9 \cdot e^{3,725} \frac{17,59 \cdot 17,87 \cdot 17,89 \cdot 29,64}{17,36 \cdot 18,4 \cdot 16,58 \cdot 21,8} = 57,3 \end{aligned}$$

4. Ташқи ҳаво температураси ўзгаришларининг ҳисобий амплитудасини аниқлаймиз:

$$A_{t_H}^{расч} = 0,5A_{t_H} + \frac{\rho(J_{max} - J_{cp})}{\alpha_H} = 0,5 \cdot 22,5 + \frac{0,7(730 - 166)}{23} = 28,415 ^\circ\text{C}$$

5. Тўсиқ конструкция ичкисиртидаги температура ўзгаришлари амплитудасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$A_{t_B} = \frac{A_{t_H}^{расч}}{\nu} = \frac{28,415}{57,3} = 0,49 ^\circ\text{C}$$

6. Қуйидаги формула ёрдамида бу амплитуданинг талаб этилган қийматини аниқлаймиз:

$$A_{t_B}^{TP} = 2,5 - 0,1(t_H - 21) = 2,5 - 0,1(28,5 - 21) = 1,75 ^\circ\text{C}$$

бу ерда t_H - июль ойининг ўртача температураси $^\circ\text{C}$.

7. $A_{t_B} \leq A_{t_B}^{TP}$ шартнинг бажарилишини текшириб кўрамиз:

$$A_{t_B} = 0,49 < A_{t_B}^{TP} = 1,75$$

шарт бажарилди, демак тўсиқ конструкциянинг иссиқлик устиворлиги етарли.

1.7. Бино зилзилабардошлигини таъминлаш тадбирлари.

Умуманолганда, зилзила эхтимоли бор районлардаунгақарши лойиҳа ва қурилиш ишларини олиб боришда қўлланиладиган тадбирлари такидлаб ўтишимиз мумкин:


1:Бинонинг ҳажм режа ечимигаоид тадбирлар.

2:Бинонинг конструктив ечимигаоид тадбирлар.

Бу ерда, шуни этиборга олмок лозимки, бино режада содда шаклда лойиҳаланиши, бино ҳажми эса кубга якинлаштирилган, кундаланг деворлари симметрик жойлашган ва буйлама деворлар билан мустаҳкам бириккан бўлиши керак. Деворлар режада бино ва эни буйлаб узликсиз туташиб туриши керак. Акс ҳолда бино режада узилган девор ўзи туташган иккинчи бир деворга зиён келтириши мумкун. Агарда бирор сабабга кўрадеворнинг узун бўлиши талаб этилса у ҳолда унинг конструктив давомига рама қурилишида олса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бинода қурилиш учун енгил материаллардан фойдаланиш конструкция бикирлигини ва унинг массасининг текис таксимланиши танлашик лозим.

Юк қутарувчи асосий қурилмалар иложи борица яхлит ва бир жинсли бўлгани маъкул. Албатта бинонинг режавий ечими иложи борица ихчам бўлгани маъкул. Режа айлана, квадрат, туртбурчак ёки мунтазам куп бурчак шаклида биноларни зилзила бардошлига мансуб ва узок муддатга зилзила бардошлилигидан устун туради.



КОНСТРУКТИВ ХИСОБ ҚИСМИ

2.1.Кўп бўшлиқли плитанинг ҳисоби ва уни конструкциялаш.

Диплом лойиҳанинг конструктив қисмида биз том ёпмаси темир бетон кўп бўшлиқли плитанинг ҳисоби, қурилмаси ва лойиҳасини келтирамиз.

Бу ерда юк кўтарувчи деворлар орасидаги масофа $B=6000$ мм. Плитанинг узунлиги $L=5900$ мм. Бўшлиқлар сони 6 та бўлиб, плита эни $b=1200$ мм. Плитани баландлиги 220 мм. Плита асосий юк кўтарувчи деворга ётқизилади.

Плитага таъсир этадиган юклар миқдорини 1 м^2 га тўғри келадиганини аниқлаймиз. Жадвал №1

№ т/р	Юклар тартиби	Меъёрий юк кН/м ²	γ_f	Ҳисобий юк кН/м ²
1	Кум-цементли қатлам $t=25$ мм	0,5	1,3	0,65
2	Иссиқдан сақловчи ярим-бикр минерал пахта $t=100$ мм; $p=2$ кН/м ³	0,2	1,2	0,24
3	Бугдан химояловчи қатлам 1-қават рубероид	0,04	1,3	0,052
4	Кўп бўшлиқли темир бетон плита	2,75	1,1	3,025
	Жами:	3,49		3,967

2.2.Зўриқишларни аниқлаймиз.

Плитанинг 1 метр узунлигига (эни 120 см бўлганда) тўғри келадиган доимий ва вақтинча юкларни меъёрий ва ҳисобий қийматларини аниқлаймиз.

$$q^n = 3490 \times 1,2 = 4188 \text{ Н/м}$$

$$q = 3967 \times 1,2 = 4760 \text{ Н/м}$$

Юклардан ҳосил бўладиган меъёрий ва ҳисобий эгувчи моментлар миқдорини аниқлаймиз:

$$M^n = \sum \frac{q^n \cdot l_n^2 \gamma_n}{8} = \frac{4188 \cdot 5,75^2 \cdot 0,95}{8} = 16442 \text{ Нм}$$

$$M^n = \sum \frac{q^n \cdot l_n^2 \gamma_n}{8} = \frac{4760 \cdot 5,75^2 \cdot 0,95}{8} = 18687 \text{ Нм}$$

Максимал кўнгдаланг кесиб ўтувчи куч:


$$Q^n = \sum \frac{q^n \cdot l_n^2 \gamma_n}{8} = \frac{4188 \cdot 5,75 \cdot 0,95}{2} = 11438 \text{ Нм}$$

$$Q^n = \sum \frac{q^n \cdot l_n^2 \gamma_n}{8} = \frac{4760 \cdot 5,75 \cdot 0,95}{2} = 13000 \text{ Нм}$$

2.3. Плита арматураларини кесимини танлаймиз:

Йиғма темирбетон плитанинг тайёрлаш учун қуйидагилар берилган: бетон синфи В30; $E_b=32,5 \times 10^4$ МПа; $R_b=17$ МПа; $R_{bt}=1,2$ МПа; $\gamma_{b2} = 0,9$; Бўйламаарматурасипўлатининг синфи A_{II} , $R_s=280$ МПа, кўнгдаланг арматураси пўлатининг синфи A_I , $R_s= 225$ МПа ва $R_{sw}=175$ МПа; арматуралашпайванд тўри ва пўлат каркаслар билан амалга оширилади. Плитанинг пастки ва устки токчалари учун B_p -I синфли сим учун $R_s= 360$ МПа, $d=4$ мм сим учун $R_s= 365$ МПа қабул қилинади.

Плитанинг кўндаланг кесим ўлчамлари 120 x 22 см бўлган тўғри бурчакли тўртбурчак деб қабул қиламиз. Бу ерда $b=120$ см плитанингэнива $h=22$ см эсаплитанингбаландлиги. Плитани 6 та доиравийтешигимавжуд. Ҳисоб учун бўшлиқни плита кўнгдаланг кесими унга эквивалент бўлган қўштавр кесими билан алмаштирилади. Доиравий бўшлиқлар юзаларини шу юзаларга тенг тўғри бурчакли юзалар билан алмаштирамиз.



$$h_1=0,9 d=0,9 \times 15,9=14,3 \text{ см}$$

$$h_f = h_f'=(h-h_1)/2=(22-14,3)/2=3,85 \text{ см}$$

Қўштавр қобирғасини келтирган эни

$$b=117 - 6 \times 14,3=31,2 \text{ см}$$

Сиқиладиган токчанинг ҳисобий эни 117 см қабул қилинади.

2.4. Нормал кесимларни мустаҳкамлик бўйича ҳисоблаш.

$h_f/h=3,8/22=0,173>0,1$ бўлгани учун ҳисобда токчанинг бутун энини киритамиз ва A_0 қийматини аниқлаймиз:

$$A_s = \frac{M}{R_b * \gamma_{b2} * b_f * h_0} = \frac{1868700}{17 * 0,9 * 117 * 19^2 * 100} = 0,02 \text{ см}^2$$

$$h_0=h-a=22-3=19 \text{ см}$$

2.12 [3] жадвалдан $\xi = 0,04$ ва $\eta = 0,98$ нитопамиз.

Сиқилган соҳанинг баландлиги $x = \xi \times h_0 = 0,04 \times 19 = 0,76$ см $x < h'_f = 3,8$ см;

Демак нейтрал ўқ сиқилган токчадан ўтади.

Бўйлама арматура юзасини аниқлаймиз:

$$A_s = \frac{M}{\eta * h_0 * R_s} = \frac{1868700}{0,98 * 19 * 280 * 100} = 3,58 \text{ см}^2$$

Олдиндан $3\emptyset 16$ АII, $A_s = 6,03$ см² нива

$$C_1 \frac{5Bp - I - 250}{4Bp - I - 250} * 1170 * 580 * 25/20$$

$A'_s = 6 * 0,116 = 1,18$ см² $A_s = 6,03 + 1,18 = 7,21$ см² ниқабул қилиб 16d арматурани 2 та иккита четки қобирғанинг пастки қисмига ва 1 та ўрта қобирғанинг пастки қисмига жойлаштирамиз.

2.5. Қия қисмлар мустаҳкамлиги бўйича ҳисоблаш:

Қўнғдаланг арматура қўйилиш шартини текшириб кўрамиз. $Q_{\max} = 13000$ Н
Қия кесим проекциясини С ни топамиз:

$$C = \varphi_{b2}(1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} * b * h_0^2 / Q_b = B_b / Q_b$$

Буерда $\varphi_{b2} = 2$ – оғир бетон учун

φ_f – сиқилган токчанинг сиқилган қисми таъсирини инобатга олувчи коэффициент.

Қўп бўшлиқли плиталарда агар қобирғалар сони 7 та бўлса

$$\varphi_f = 7 * 0,75 \frac{3 * h * h}{b * h_0} = 7 * 0,75 \frac{3 * 3,8 * 3,8}{31,2 * 19} = 0,385 > 0,5 \quad \varphi_n = 0$$

$B_b = \varphi_{b2}(1 + \varphi_f + \varphi_n) * R_{bt} * \gamma_{b2} * b * h_0^2 = 2(1 + 0,385 + 0) * 1,2 * 0,9 * 31,2 * 19^2 * 100 = 33,7 * 10^5$
Н см

Ҳисобий қия кесимда $Q_b = Q_{sw} = Q/2$ бу ерда $C = B_b / c = 33,7 * 10^5 / 38 = 0,89 * 10^5 = 89$
кН > $Q = 13$ кН

Қўнғдаланг арматураларни конструктив нуқтаи назардан қуйидаги қадам билан $S = h/2 = 22/2 = 11$ см

$S < 15$ см шартидан келиб чиққан ҳолда унинг диаметри $\phi 6$ мм бўлган пўлат симни қабул қиламиз. Пўлат симнинг синфи А-I Бу пўлат симни таянчдан $1/4$ л масофада ҳар 100 мм қадам билан ва равоқнинг ўртасида $1/2$ л масофада ҳар 500 мм қадам билан жойлаштириш тавсия этилади.

2.6. Салқиликни аниқлаш

Плита равоқининг ўртасидаги меъёрий юк қиймати $M^n = 16442$ Н*м
формула

2.20 (3) жадвалга асосан $\lambda_{\lim} = 22$

$l/h_0=575/19=30.26>10$ бўлгани учун

$l/h_0\lambda_{lim}$ шарт бажарилиши керак, акс ҳолда плитанинг салқилиги текшириб кўрилади, бизнинг мисолимизда

$l/h_0>\lambda_{lim}$ яъни $30.26>22$

Салқиликни аниқлаймиз

$$f_{max}=5/48 * 575^2 * 1/r_c=5/48*575^2*3.15*10^{-4}=1.1 \text{ см}$$

$$\frac{1}{r_c} = \frac{M^n - K_{2ld} * b * h^2 R_{bt,ser}}{E_s * A_s * h_0^2 * K_{1ld}} = \frac{16442 - 0.11 * 31.2 * 22^2 * 1.8 * 100}{2.5 * 10^5 * 7.21 * 19^2 * 0.46} = 3.15 * 10^5$$

$\mu_\alpha=0.786$ ва $\gamma'=0.55$ га боғлиқ равишда 2.19 (3) жадвалдан $K_{1ld}=0.46$

$K_{2ld}=0.11$ ни топамиз $f_{lim}=1/200=575/200=2.875 > f_{max}=1.1 \text{ см}$

Плита салқилигир уҳсат этилган салқиликдан кичик.

2.7. Пилита илгакларини монтаж юкларга ҳисоблаш.



Панелда 4 та А-I синфли металл илгаклар мавжуд бўлиб улар панел чеккасидан $l_1=700$ мм масофада жойлашган.

Динамик коэффициент $k_d=1,4$ инobatга олган ҳолда плита хусусий оғирлигидан, пайдо бўладиган ҳисобий юк

$$q = k_d * \gamma_f * g * b = 1,4 * 1,1 * 2750 * 1,19 = 5050 \text{ Н/м}$$

бу ерда $g=0,11*25000=2750 \text{ Н/м}^2$ панелни 1 м^2 га тўғри келадиган хусусий оғирлиги b панелни конструктив эни

Панелни консолқисмида тўғри келадиган манфий эгувчи момент миқдори

$$M = q l_1^2 / 2 = (5050 * 0,7^2) / 2 = 1240 \text{ Н*м}$$

Бу момент бўйлама арматура орқали қабул қилинади. $z_1=0,9 h_0$ деб фарқ қилиб илгак симининг юзасини аниқлаймиз.

$$A_s = \frac{M}{Z_1 R_s} = \frac{124000}{0,9 * 19 * 280 * 100} = 0,26 \text{ см}^2$$

Плитани кўтарганда унинг оғирлиги 2 та илгакка тўғри келиши мумкин, у вақтида битта илгакка тўғри келадиган юк

$$N = q l / 2 = (5050 * 5,87) / 2 = 14821 \text{ Н}$$

Илгак арматурасининг кесим юзаси

$$A_s = N / R_s = 14821 / (2 * 10 * 100) = 0,706 \text{ см}^2$$

Конструктив нуқтаи назардан симнинг (илгакнинг) диаметрини 10 А-I қабул қиламиз.

**ТЕХНОЛОГИЯ ВА
МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ
ҚИСМИ**

3.1. Бинога сарфланадиган ғишт терими ҳажмини аниқлаш

Бинодаги ғишт теримини оқим усулида олиб бориш учун узунлиги бўйича иккита қамровга бўлиб ҳисоблаймиз. I қамровга А-Г ўқлар бўйича 1-6 ўқ оралиғи анти сесмик чок сабабли 6-ўқгача биринчи қамровга иккинчи қамровга 7-ўқдан кейин 10 чи ўқгача оламиз, яъни 7-10 ўқдаги девор тўлиқ II қамровга киради.

Терим ҳажмини баландлиги бўйича олганимизда каватни умумий баланд-лиги 3,0 метрлигини инобатга олиб I ва II ярус теримини баландлиги 2.0 метр яъни I ярус 1.0 метр ва II ярус 1.0 метр, III ярус баландлиги 1.0 метрни ташкил қилади.

Ғишт териш ишларини ва мантажи ишларини ҳажмини ҳисоблаш.

1. Ташки девор териш ҳажмини ҳисоблаш
2. Ички девор ҳажмини ҳисоблаш
3. Парда девор ҳажмини ҳисоблаш
4. Ғишт теришда сарфланган қоришма ҳажмини ҳисоблаш
5. Сувори ва хавозаларни ўрнатиш
6. Қоришмаларни узатиш
7. Йиғма темир-бетон плиталар ҳажмини ҳисоблаш
8. Премичка (туташтиргич) ҳажмини ҳисоблаш
9. Парапед девол ҳажмини ҳисоблаш
10. Черепитцияли том қоплама ишларини ҳажмини ҳисоблаш

Ташки девор териш ҳажмини 1 м^3 ғишт ҳажми 400 дона шунга асосан

ташки деворга кетган ғишт ҳажми 236.8 м^3

Ички деворга кетган ғишт ҳажми 75.34 м^3

Парда деворга кетган ғишт ҳажми 45.63 м^3

Жами кетган ғишт ҳажми 357.77 м^3

143108-дона умумий ғишт сарфланган ғишт териш учун сарфланган қоришма ҳажми 62.08 м^3

Жами премичка (туташтиргич учун) бетон ҳажми $4,08\text{ м}^3$

Йиғма темир-бетон плиталар сони ПП-1 11 та, ПП-2 26 та, ПП-3 1 та, ПП-4

11 та, ПП-5 25 та, ПП-6 2 та дона жами-74 дона , том черипитца ҳажми 738.65 м²

Ғишт теримини қаватлар бўйича қамровларга бўлиб ҳажмини ҳисоблаб топамиз.

I қамровда:

1-ўқдаги деворни А-Г ўқлар оралиғидаги деворни теримҳажми I, II ва III ярусда, $V_1^I = 14.58 * 1.1 * 0.38 = 6.1 \text{ м}^3$ ташкил қилади;

$$V_1^{II} = 14.58 * 1.1 * 0.38 = 6.1 \text{ м}^3 \text{ ташкил қилади;}$$

$$V_1^{III} = 14.58 * 1.0 * 0.38 = 5.5 \text{ м}^3 \text{ ташкил қилади;}$$

$$\sum V_1 = 6.1 + 6.1 + 5.5 = 17.7 \text{ м}^3$$

2-ўқдаги деворни А-Г ўқлар оралиғидаги деворни терим ҳажми I, II ва III ярусда, $V_2^I = 14.58 * 1.1 * 0.38 = 6.1 \text{ м}^3$ ташкил қилади;

$$V_2^{II} = 14.58 * 1.1 * 0.38 = 6.1 \text{ м}^3 \text{ ташкил қилади;}$$

$$V_2^{III} = 14.58 * 1.0 * 0.38 = 5.5 \text{ м}^3 \text{ ташкил қилади;}$$

